

Факирий (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдураззок Абдужаббор ўгли) (1880 — Хива якинидаги Бўзхона кишлоги — 1925) — шоир, хаттот ва наккош. Хивадаги Оллокулихон мадрасасида ўқиган. Шарқ мумтоз адабиётини ўрганиб, ўзи хам шеърлар ёза бошлаган. Отасидан ёғоч ва тангага накш ўйиш санъатини ўрганган. Машхур хаттот Худойберган Девоннинг шогирди бўлган.

Факирий 1914—15 йилларда ўз шеърларини тўплаб, «Девони Факирий Хоразмий» ни яратган. «Девон» газал, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мустазод, рубоий, чистой каби жанрларда ёзилган шеърлардан иборат. Уларда севги ва садокат, халкпарварлик, ватанга мухаббат, маърифат, адолат, халклар дўстлиги, шахс эрки гоялари улугланган. «Дафтари ашъор ул-жадида» («Янги шеърлар дафтари»)да эса Факирийнинг 1916—24 йилларда ёзган шеърлари мавжуд. «Айрилгали», «Ўзингсан», «Бўлмагай», «Ўзгача», «Аё дилбар», «Кўргач», «Суратинг» радиофли газалларида самимий мухаббат, ошик изтироблари махорат билан тасвирланган. Шеърларининг кўпиреал, хаётий таассуротлар асосида ёзилган.

Сўнгги йилларда ёзилган бир туркум шеърлари «Югурумия» тупламига киритилган (1923). «Девон»нинг шоир кўли билан кўчирилган нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шаркшунослик институтида сакланади (инв. №7679).

ШОИР ЎЗ АХВОЛИ ХАКИДА

(Маснавий)

Кичикликдин тушиб бошимга кулфат,
Замоне бўлмадим беранжу меҳнат.

Ишим мискинлик ичра бўлди мушкил,
Муродим бўлмади хеч ишда хосил.

Кўнгулда кун-бакун хар турли кайгу,
Мудом бебаҳт, жаҳон кўзга коронгу.

Неча йил гамга бўлдум мубталолиг,
Фарогу айшу роҳатдин жудолиг.

Чекиб хар турли хасрат эртаю кеч,
Маломатдин саломат бўлмадим хеч.

Менга хос эрди доим дарду гамлар,
Етиб дахр ахлидин ранжу ситамлар.

Кима килсам зиёфат, яхши хизмат,
Чикиб кулбамдин эттилар надомат.

Ман айлардим хама мўминга ихлос,

Мани ўйнар эдилар ом ила хос.

Десам бошдин-аёг киссам узунрок,
Ки шархи «Шахнома»дин фузурок.

* * *

Мингда уч юзда йигирма саккиз ким сана,
Ўз-ўзидин бир жисим ёлбориб деди мана.

Хар качон ахбоби хамсолинг била килсанг равиш —
Борхо ўз жинсинг истаб, сухбат айла ёзу киш.

Шарти аъзам буки сендин бўлсин аъло бориси,
Бул сифат бўлса бўлурсан баҳраманд тун-кун басе.

Гах килурлар дурфишонлиг тингласанг нафе етар,
Гах алар нукта сўруб, маҳзун дилинг хуррам этар.

Гах бўлур душвор ишларда алар мушкул кушод,
Юрсанг онлар бирла бўлгай фахму идрокинг зиёд.

Эй хабиблар, барф келди осмондин бизлара,
Хеч ишорат бўлмадиким дўстондин бизлара.

Бир-бировни барф баҳонаси била ёд айлали,
Тез беринг бир ижтимоъ, гамгин кўнгул шод айлали.

Гарчи ахбоблар унутган бўлса ёд айлай дедук,
Хар бирингиз бирла чун ини биродардек эдук...

Хоҳ ноҳоҳ кургун ўлсун тез этинг, кеч колмасун,
Боримиздин дарду гам дафъ бўлсуну хеч колмасун...

Бўлгай эрди жумламизга гўиё курбон ийд,
Айби йўқдур уматан килгусидур хўжа, сайид.

Барчамиз бир-бirimizdin мустаҳикмиз созга,
Ким етар, ким етмагай бу киш ўтуб ул ёзга.

Ёш йигитлик, жони согликда ганимат шодлиг,
Умр ўтиб борур хамаси бўлгуси барбодлиг.

Бу жаҳон дардисари йўқса туганмас кун-бакун,
Шоҳ, гадода сад ҳазор армон била дого тугун.

Дўст ишидур бир-биридин айтиб олмок ижтимоъ,
Бил, гаразгўйлар ишидур имтихон, кийна, низоъ.

Ижтимоъдин муддаомиз емагу ичмак эмас,
Барф бахона бу Факирни йўкса хеч ким йўкламас.

ТАГОЙ СЎФИ ХОРАЗМИЙ ХАКИДА ХАЖВ

Ёронлар, бовар этманг сўзласа, зинхор Тагой сўфи,
Жахонда йўк анингдек чобуки айёр, Тагой сўфи.

Бўлур хар кунда юз турлук, тушунмас холига хеч ким
Ки, килмас халклардин зарра номус-ор, Тагой сўфи.

Баногох кўрсангиз бошида салла, эгнида малла,
Бокарда алла-балла кўзлари хунхор, Тагой сўфи.

Гахи сўфи, гахи девона янглиг кийгуси жанда,
Гахи кўрсанг фурушандада кезар бозор, Тагой сўфи.

Гахи бошида таввоф, гах яланг бошга кияр такя,
Кияр гах телпаку сўфак кулоҳ, дастор, Тагой сўфи.

Гахи олгай саройдин хар матои саллага лойик,
Суюниб бир неча кун бошига чулгор, Тагой сўфи.

Гахи воиз, гахи хофиз, гахи зохид, гахи косиб,
Гахи сог одамий, гах жиннига ўхшор, Тагой сўфи.

Кўрар кўзга хамиша аблах янглиг масти лояъкил,
Олиб сотмоқда андок йўк фаранг, хушёр Тагой сўфи.

Дўконидин гахи турлук харид олиб кезар тун-кун,
Каён борса сотар бозору бебозор, Тагой сўфи.

Гахи оту эшак минмай, аzonдин кечгача кўнмай,
Давом дунё учун тинмай елиб югрор, Тагой сўфи.

Кеча-кундуз кезар тинмай пиёда калъа, ёбонлар,
Кадрдондирки, бўлса хар кима дучор, Тагой сўфи.

Кулоҳ, жанда киуб сахролара чикса бори элни
Мурид эткай ўзига — эркаку ночор, Тагой сўфи.

Агарчи борса ёт ерлара хам хеч ранжимас харгиз,

Бўлур чок ўз уйидек кўрсангиз хар бор, Тагой сўфи.

Хар одамни билиб табъини сўзлар табъига лойик,
Замонасоз бўлуб хар турли халк йигнор, Тагой сўфи.

Качон кўрсанг «Каломуллоҳ», «Далойил» ёнида хозир,
Кўруб ихлос килганларга ваъз айтар, Тагой сўфи.

Шахарда юрса хам «Куръон», «Далойил» ёнидин кўймас,
Баногох сурайи «Каф»ни килур такрор, Тагой сўфи...

Ўкур беш вакт намозин тарк килмас синасанг ул дам,
Юмар оғзи, кўзин махкам на дам урор, Тагой сўфи.

Имомга иктидо килгонларин кўрган кулар бешак,
Имом боргач рукуъ бу саждада ё.тор, Тагой сўфи.

На муллодур, на сўвидур, на коридур, на эшондур,
Бу боисдин чекар кўб охи оташбор, Тагой сўфи.

Бу кайгу хасрати дафъи учун тун-кун кезар тинмай,
Анинг-чун ижтимоъ деб борҳо йўртор, Тахой сўфи.

Шахарда барча толиблар била доим бўлуб улфат,
Ўзи бекор, аларни хам килур бекор, Тагой сўфи.

Качонким, ижтимоъ борин бир ой аввал эшитса хам,
Етушгай барча одамдин бурун тайёр, Тагой сўфи.

Агар бир мажлис ичра бўлмаса, ким тутса отини,
Келур оллоҳу акбар деб, кирап тайёр, Тагой сўфи.

Агар хар ерда кургон мажлис ўлса, борсангиз ногах,
Ўшал мажлис юкорисига боксанг — бор Тагой сўфи...

Мажолис ичра ётса беш киши ўрнин олиб ётур,
Кўрунур барчага чун кабри бузруквор, Тагой сўфи.

Агар тафсирхонлиг бўлса хам ухлар, кулок солмас,
Магар чертилса ётмас танбуру дутор, Тагой сўфи.

Ва лекин ош пишган вактда «Оллоҳ» деб тураг сакраб,
Хамага ваъз айтар, гар килмаса хам кор, Тагой сўфи.

Мудом жохил ўглонлар била бўлгуси хамсухбат,
Бари эшону охунддин басе безор, Тагой сўфи.

Агарчи топса махвашли зиёфат, кувсанг хам кетмас,
Неча дашном, хакорат кўрса миннатдор, Тагой сўфи.

Тутуб саколидин хар дам уарлар тарсаки бирлан,
Ризодур хар тариқа берсангиз озор, Тагой сўфи.

Бирор соз этса даф кокиб чикар вор тўнларин ешуб,
Туруб, отиб муаллак ракс уруб ўйнор, Тагой сўфи...

Билингким, борҳо максад-муроди шул кеча-кундуз
Хамага айлагай бебоклигин изхор, Тагой сўфи.

Мабодо хушрӯ маҳваш топилса, оздуруб йўлдин
Бўлуб хамдам, неча эшонлара катнор, Тагой сўфи.

Анинг бирла кезар тинмай неча кун калъа, ёбонлар,
Анга бўлгай мулозим балки хизматкор, Тагой сўфи...

Агар чиндин эшонлар била ўлтурса хамхилват,
Кўрунса хўб йигитлар, кўзлари ёнор, Тагой сўфи.

Бу кунда ёш йигитларга килур чандон насиҳатлар,
Ўзидан колмаган дунёда ўглон, гор, Тагой сўфи.

Бу янглиг жохил ўлса хам чу топса олиму дарвеш,
Аларни хоки пойин кўзига суртор, Тагой сўфи.

Анга десанг: «Узунг сўфи бўлуб шарм айламасмусан?»
Килур рогиб, аларнинг сухбатин мактор, Тагой сўфи.

Агар ким бўлса-бўлсун, койил айлар ўз дегонига,
Ўзи гар кари бўлса хам ажаб маккор, Тагой сўфи...

Мусаллам химматига, журъатига, кувватига, лек —
Агарчи бўлса юз ботмон юқ судрор, Тагой сўфи.

Килай таъриф андок кўрмаганлар айласун тахсин,
Йўқ андок одамизод ичра савлатдор, Тагой сўфи.

Юришда тевадек ер юзида йўқ бормагон жойи,
Улуг, бўлмаса хам рўйи замин кидрор, Тагой сўфи.

Таажжуб, катта килмиш жуббасин хак-чун минорадек,
Юруса тебранур ер, кўрган от хуркор, Тагой сўфи.

Агарчи наъра урса жумла маҳлук заҳрасин ёргай,

Тева ёнидин ўтса, тева хам хуркор, Тагой сўфи...

Таом ер бўлса юходек тўярга акли етмайдур,
Ва лекин канча тўйса хам сахар бедор, Тагой сўфи...

Эмас бехислат, аммо «ху» деса аъзолари титрар,
Юроки ўтламай казон каби кайнор, Тагой сўфи.

Йигит айёмида умри ўтиб фиску фужур бирла,
Бас эмди тинмай айлар тавба-истигфор, Тагой сўфи.

Неча йиллар сипохилик килиб сўнгра бўлур сўфи,
Этиб бу дуняда хар турли касбу кор, Тагой сўфи.

Буни фахм айлангизким, килмагандур бадасилликдин
Ки, инсон хайлига килмай тарикча кор, Тагой сўфи.

Шахарда хар кишиким орзу килса сафар килмок,
Бу ишин ташлабон бўлгай анга сардор, Тагой сўфи...

Чика билса шахардин масти бепарво кезар тун-кун,
Демас ахбобига кўнглидаги асрор, Тагой сўфи.

Замонасозлигда боз йўк андок жаҳон ичра,
Деса хак сўзни хам кайтарсангиз, кайтор, Тагой сўфи.

Чу андин хар киши бир мушкил иш килса савол, ул дам,
Килур осон иложин демагай душвор, Тагой сўфи...

Изо берсанг неча маърака-мажлис ичра, ул кулгай,
На айбин юзига айтсанг ўзи икрор, Тагой сўфи.

Вале андог жаҳонда бевафою бемурувват йўк,
Гани вактингда бўлгай барчадин гамхор, Тагой сўфи.

Равиши кам деса анга шадид келгуси вакт-бевакт,
Сахарда ё ярим окшом эшик кокор, Тагой сўфи.

Маломат этканинг билмас агар дашном килсанг хам,
Чибиндек айланиб келгай яна беор, Тагой сўфи.

Шахарда маърака-мажлисга борсадайгуси емок,
Вале сахрода әшонларга сохибкор, Тагой сўфи.

Мусо фирмани, бўлур жойим йўк асло деб килур даъво,
Дўконин кўрсангиз хар бойдин молдор, Тагой сўфи.

Хамадин кўб майшатлар килур дунёда армонсиз,
Яна «Армонли кетдим, дод!» деб какшор, Тагой сўфи.

Жаҳонда килмаган кайфи йўқ, аммо эмди кайф этмай,
На чой, томоку банг тарёкию кўкнор, Тагой сўфи.

Каро нос кайф этар хар дамда ўн мисколгина, лекин,
Иссиг ош ичса борисин килур мурдор, Тагой сўфи.

Саколи окариб килмас савоб ила гунах фаркин,
Ўзини балки эшондин баланд санор, Тагой сўфи.

Бўлур дилтанг гахи мулло, корију жумла эшондин,
Килур дашном кўкраб масти мажнунвор, Тагой сўфи.

Кими хону тўра, козију муфти жумла эшондин,
Шикоят килса гар бошдин-аёг титрор, Тагой сўфи.

Гахи ихлос бирлан чорлаб онларга килур хизмат,
Таому мева хар навъ килур саршор, Тагой сўфи.

Борур ихлос ила аксар улуг олимлар олдига,
Анинг тобгунча хар айбини хўб синор, Тагой сўфи.

Хамага сўз топар, йўқ ўзидек танти бу оламда,
Ва лекин нобакорлар бирла чун кондор, Тагой сўфи.

Тополмай пири комил боамал олим мувофик табъ,
Куюб доим ўзидек ахли дард излар, Тагой сўфи.

Неча йил олам ичра турлук эшонга килиб хизмат,
Бўлубдур охир эмди умрида аттор, Тагой сўфи.

На килсун умрида бир кўргани етмиш яшар кампир,
Чу кўргач бир-бирини ер уруб каргор, Тагой сўфи...

Бу ният бирла тинмай борҳо пул танга жамъ айлар,
Бу боисдин азиз жонини кўб кийнор, Тагой сўфи,

Эди аввал паришонхол бирла дарбадарликда,
Хамадин эмди бўлмиш кавмида пулдор, Тагой сўфи...

Жаҳонгашта эди аввал, хамеша ломакон эрди,
Бўлур жарчи янги калъада хам жойдор, Тагой сўфи...

Илоҳо, бу Факирингни дуосин мустажоб айлаб,

Хама мүминга бер фарзанд чу хайри кор, Тагой сўфи.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Найлайн дилдордин бегона бўлдим окибат,
Юз гаму хасрат била хамхона бўлдим окибат,

Бу жудолик хасратидин хеч чидолмай дахр аро,
Хонумонимдин кечиб девона бўлдим окибат.

Неча кун куйида юрдим, етмадим васлига хеч,
Кеча-кундуз йигладим, гирёна бўлдим окибат.

Ёрни васлига еткайманму деб шому сахар,
Ўртаниб хажр ўтига парвона бўлдим окибат.

Хаддин ошди бу мани расволигим олам аро,
Халки олам ичра кўп афсона бўлдим окибат.

Хам яна бору йўқимни йўлида барбод этиб,
Молу жондин айрилиб, вайрона бўлдим окибат.

Вирд этиб исми шарифингни хаёлим олдириб,
Кадди-бўйинг фикридин мастона бўлдим окибат.

Равшан этмиш тийра кулбамни жамоли шамъии,
Ўз маконим ўзима, гамхона бўлдим окибат.

Кўп бу олам ичра мандек ошику вобасталар,
Лек алар бир ёна, мен бир ёна бўлдим окибат.

Етмишам эмди халокатга не айлай мен Факир,
Мархами дил топмадим, хайрона бўлдим окибат.

* * *

Ишни битирмай, эй иним, айшу ишратлар абас,
Одатинг маҳмиллиг эрса, бу майшатлар абас.

Топмайин максад бу корингдин на лозим шодлир,
Бу замонда хақдин ўзга дўсту улфатлар абас.

Эътиқодим эрди кун-кундин зиёдаким сенга,

Үкимокга рогиб эрдинг, ўзга ниятлар абас.

Лекин эмди масти бепарволигинг кўйгил яна,
Йўкса бу савлату сийрат, хўб суратлар абас.

Етса молим, етмаса жоним, деган олим бўлур,
Бехуда нокаслара йўкса бу химматлар абас.

Кудратинг етганча хак деб, туш илм кўйигаким,
Саъй килдинг неча кун то бўлди меҳнатлар абас...

Юрмагил бедардлар бирла бас эмди ор кил,
Катта бўлгандин сўнг этган жумла гайратлар абас.

Гила килма бу Факир ўртанганидин килди назм,
Бизга йўкса бу фазойил ушбу шухратлар абас.

* *

Хакикат дўст шулдур бўлса дўсти жонига муҳтоҷ,
Чин ошик улки тун-кун бўлса ўз жононига муҳтоҷ.

Эмас ул ошик хар махвашни кўргач кўнглин олдурса,
Хар ошуфта бўлур ўз дардининг дармонига муҳтоҷ.

Ким окил эрса бир ёр ила умрин ўткарур доим,
У нодондур жаҳонни хар лаби хандонига муҳтоҷ.

Неча бир соддалар хар нозанин ишкида овора,
Берурлар дил аларнинг ваъдаи ёлгонига муҳтоҷ.

На армондир кишининг бир вафолиг дилбари бўлса,
Хамиша бўлсалар бир-бирининг фармонига муҳтоҷ.

Манам чин эътиқодим сизга холис дўсти жондурман,
Хар одамким бўлур ўз кўнглин олдурғонига муҳтоҷ.

Эрур нокаслик ул аввалги дўстидин жудо бўлмок,
Бўлурлар баъзи тоза хамнишин бўлгонига муҳтоҷ.

Дуогўйинг, Факиринг жонидин ортуқчасидурсан,
Етушсанг кулбасига сен киби пурдонига муҳтоҷ.

* * *

Юртимиизда ибтидои рагбати жон бўлди печ,

Сүнгра кам-кам, йил-байил машхури даврон бўлди печ

Косиб ахли доги килдилар бино юз шавк ила,
Баъд аз он шухрат топибон, калъа ёбон бўлди печ.

Бул ажойиб мадраса печи бино килдурсаким,
Айш учун онларда хам бехад намоён бўлди печ.

Шахр халки хар йил айларлар иморатлар басе,
Бир-бирисидин кўруб кўнглида армон бўлди печ.

Аксари эл тоза жойин йўқдуурурлар печ учун,
Биткариб олгонлари чун боги бўстон бўлдй печ.

Дашк ила кўп нотавонлар карз этиб айлар бино,
Лек сипохию тавонгарларга арzon бўлди печ.

Косибу мулло, авом, факру гино, шоху гадо,
Хоҳики кофир, жуҳуд, жумли мусулмон бўлди печ.

Бил маҳол эрди кадимгиларга лой тандирча хам,
Эмди чу мард аксари инсонга осон бўлди печ.

Бу сифат таърифа лойикдурки рогибдур хама,
Айшу ишрат истаганча роҳати жон бўлди печ.

Эътиroz этган киши камдур жаҳон айвонида,
Бул хусусан карилар дардига дармон бўлди печ.

Етса кудрат кошки килсанг бино зийнат била,
Нозу неъмат бешумор бўлса, ободон бўлди печ.

Келса бетаклиф маҳбубул кулублар субху шом,
Бўлса бу янглиг хамиша чун гулистон бўлди печ.

Нозанинлар гул юзидин етса равшанлиг анга,
Бас не армон, йўқса базм аклига зиндан бўлди печ.

Мунча тавсиф этдинг аммо йўқ ўзингда, эй Факир,
Кил бино бирин сенам, бехадду поён бўлди печ.

* * *

Оlam ичра топмадим бир дўсти жонон бегараз,
Олихиммат деганим сўнг бўлди ёлгон, бегараз.

Бу замонда кадру киммат билгудек дўст колмади,
Бехуда бермаслар ўз хешига хам нон, бегараз.

Дўст бўлган дунёдин кўл ювса бир-бири учун,
Дунмайин бир-бирига килса фидо жон бегараз...

Лойики иззат бўлурсан бу сифат тутсанг равиш,
Лек борсанг хар макон неъмат фаровон бегараз.

Рохи рост деб дасти холий борсангиз эшонлара,
Равнакинг йўқ хеч хабарин олмас эшон бегараз.

Хурмат этмаслар авом ичра улуг олим эсанг,
Эл азизиким кўп айлар хайру эхсон, бегараз.

Юртимиз халки, маҳовоти, тавозе, таъзими,
Зинхор алданма килмас кўрса хандон бегараз...

Мехрибондур бир-бирин кўргач килурлар эҳтиром,
Махз тил уни килурлар гила бўхтон бегараз.

Холисаллилох бир дўстим борай деб ижтимоъ,
Хоҳ-ноҳоҳ айлаб эрди аҳду паймон бегараз.

Зарадек кавлу-карорин эътибори йўқ экан,
Завқ-шавқ ила чакирмай аксар инсон бегараз.

Ваъдасин чин билма, хар ким ваъда берса, эй кўнгул,
Ваъдага килмас вафо хар бир мусулмон бегараз.

Мен Факир холис хабибим борки дўсти ду жаҳон,
Мухлисиман меҳрибон Абдулраҳимжон бегараз.

* * *

Дўстлар, даҳр ичра баъзи ошноларни кўрунг,
Баъзи юз куй, шумфирк, рўйи сиёларни кўринг.

Кўрса кимдин фойда таърифини айлар олдида,
Бу тамаъчин зоҳиду баҳти кароларни кўрунг.

Кўрмаса нафъин хамиша таҳт этар бошдин-аёқ,
Аямас устоз, отосин, бехаёларни кўрунг.

Дўст бўлса хар кишига бўлмас асло бегараз,
Бу гаразгўй турба, хуржунсиз гадоларни кўрунг...

Баъзи мажлисда такаллум килса навбат бермагай,
Жахли бадраг, мода чу хирс кадхудоларни кўрунг.

Ўзида ботмон айб дегай бирор мисколини,
Тажриба айлаб бу навъ кибру хаволарни кўрунг.

Эй Факирий, бу авом адно учун ўртама хеч,
Йил-байил бундин баттаррок можароларни кўрунг.

* * *

Булбули зорам кўнарга бир гулистон истарам,
Бу гўзалларни не айлай кўйи бўстон истарам.

Ошикам, эй дўстлар, жонимга жонон топмайин,
Жонажон бўлголи бул жонимга жонон истарам.

Ёрсиз жаннатга кирсам зулмату зиндан эрур,
Нола, афгон тортибон бир мохитобон истарам.

Ёрсиз ёйдек бўлиб колдим ажаб бемормен,
Писта лаълидин анинг дардимга дармон истарам.

Юз ўгурдим бевафолардин басе безорман,
Бовафоу бомуравват чашми маston истарам.

Бехаё, бешарм махваш кўп, кўнгул севмас ани,
Тозаю тар гулбадан зулфи паришон истарам.

Гар топилса бир мувофиктабъ дилбар, дўстлар,
Ман Факир тун-кун ани бўлмокга меҳмон истарам.

* * *

Бу янглиг кўп сиза ихлосим, аммо бериё бўлгай,
Бу жоним кошки сиздек хабибимга фидо бўлгай.

Ки содадил бўлиб хар кимки борса хизмат айларсиз,
Не бўлса муддаонгиз икки оламда раво бўлгай.

Жаҳонда якка бизлар эрмас хар ким кўрсалар сизнн,
Билиб бу феълингизни айрилишмас, ошно бўлгай.

Ўгурса сиздин хар ким юз, эрур ул ахмаку абллах,
Ўзини кадрини билмас анингдек бевафо бўлгай,

Бўлур одам била одамда фарқ бир бўлса хам асли,
Бахилу бехаё баъзиси, баъзи кадхудо бўлгай.

Бўлур баъзи вафолиг, баъзи фитна хамчу шайтондек,
Бу боисдин нечаси дўсти жонидин жудо бўлгай.

Манам оламда кўп одам била бўлдимки хамсухбат,
Жаҳонда кўрмадим сиздек чучуктил камнамо бўлгай.

Ким излаб борса мемон бўлгали ёту кариндошдин,
Анинг хаккида тун-кун хизматингиз жо-бажо бўлгай.

Ва лекин сиз хамага холисаллилох килиб хизмат,
Яна хам хуш сўзингиз ахли дардларга даво бўлгай.

Бу ихлос бирла хизмат килганингиз кўрса хар бир иард,
Бўлур banda эшикингизда ўлгунча гадо бўлгай,

Хусусан ховлингизга бўлса мемон толиби илмлар,
Аларга иззатингиз, хизматингиз бебаҳо бўлгай.

Факир айлар дуонгиз холиссаллилох кеча-кундуз,
Берубисёр фарзанд ёрингиз доим худо бўлгай.

МУСТАЗОД

* * *

Эй дил, бу жаҳон хўблари килди сани зор,
Дийдорига шайдо,
Хам холи паришон.
Бўлдинг неча гулчехра жамолига гирифтор,
Ноланг килиб ифшо,
Хам айладинг афгон.
Васли талабида югуриб кечаю кундуз,
Йўқ эрди кароринг
Вобасталигингдин.
Онлар сани хаккингда мудом эрди жафокор,
Рахм этмайин асло,
Зулм айлади чандон.
Бу куй аро кўрдинг неча навъ ранжу аламлар,
Тарқ айламадинг хеч,
Мажрух бўлиб хам.
Хижрони ўки килди юрак-багрингни афгор,
Чекдинг нёча танҳо,

Ишки аро нолон.
Кўксингга пичок урсанг аларнинг назарида,
Иstab кулай рах,
Ўлсанг агар ул дам.
Бу холингга кайгурмас ўшул кофири хунхор,
Бал анга тамошо,
Айлар лаби хандон.
Бир зарра гила килма алар кори жафодур,
Ошиклирига,
Йўқ расми вафоси,
Лекин тил учи меҳрига алданмаки зинхор,
Килса неча игво,
Сўзи бари ёлгон.
Сандин бурун ўтмиш неча бир ошику маъшук,
Бу дахр аро гирён,
Бори хама дил соф.
Ранжур булуб фуркати ичра чекиб озор,
Хам ёқди саропо,
Бу оташи хижрон...

МУХАММАСЛАР

Дўстлар дахр ахли жононига ёр ўлмок галат,
Бодаи васлин тилаб тун-кун хумор ўлмок галат,
Халк таъни бирла элга ошкор ўлмок галат,
Бевафо маъшукалар куйида зор ўлмок галат,
Истабон васлини кўздин ашкбор ўлмок галат.

Кўп бу дахр ичра паривашлар ду чашиби олалар,
Ошик ўлгай кўрсаким кўздин тўкибон жолалар,
Балки ёш ўрнига сўнгра кон тўкар чун лолалар,
Фуркат ичра тинмайин айлаб фигону нолалар,
Тиги хажридин бу янглиг дилфиғор ўлмок галат.

Дил берурлар кўргачин меҳри жамолин истабон,
Кошки келса экан шўридахолин истабон,
Бўлма харгиз хомтамаъ оби зилолин истабон,
Хажр водийси аро ул ой висолин истабон,
Беадад ранжу аламларга дучор ўлмок галат.

Бокма ихлос ила кўпдур хусни гул, коши каро,
Чунки нодонлик эмасму кўргач ўлмок мубтало,
Баъдазон сен ўз юрак-багринг килиб кону яро,
Жустужў айлаб фирокида туну кун дахр аро,
Топмайин васлин аниңг беэътибор ўлмок галат.

Ушбу хасратлар била тинмай мудомо кон ютуб,
Чин хакикат ошнолардин күнгүлни совутуб,
Бу тараддууд бирла етмас тийра кулбанг ёрутуб,
Пуржафо дилдордин хар дам вафони күз тутуб,
Жон фидо айлаб йўлида хоксор ўлмок галат.

Шод бўлгунг кўргачин кўрдимки, дилдорим дебон,
Сўрди ахволим билиб бу ногахон зорим дебон,
Ваъда килди келмагига бу кеча ёрим дебон,
Садка энди йўлида харна йўку борим дебон,
Кўз тикибон йўли узра интизор ўлмок галат.

Бил бу савдолар била олам аро машхур ўлуб,
Кун-бакундин хам Факириу бенавою хор ўлуб,
Дўст ушбу эркан аммо, юрса андин дур ўлуб,
Чэкаро, берахм махваш хуснига магрур ўлуб,
Фуркати дашти аро мажнуншиор ўлмок галат.

* * *

Дўстлар, бир мосиво бўлган гарибмен, найлайин,
Ўртаниб, ёниб адо бўлган гарибмен, найлайин,
Юз аламга ошно бўлган гарибмен, найлайин,
Бекасу бемуттако бўлган гарибмен, найлайин,
Мискину бедасту по бўлган гарибмен, найлайин.

Телмуруб колдим нетай модар, падардин айрилиб,
Йўл адошиб гамда колдим роҳбардин айрилиб,
Кеттилар дўсту ёронлар хам назардин айрилиб,
Лек мен колдим бу ерда яхшилардин айрилиб,
Дарду гамга ошно бўлган гарибмен, найлайин.

Ўтди ахволим хазинлиг бирла кун-кундин батар,
Гамни сахросида колдим бўлмишам бир муштипар,
Кўрсалар бедардлар холим кўриб айлар хазар,
Йиглаюрман холима хардам куяр жону жигар,
Минг алам бирла адо бўлган гарибмен, найлайин.

Зор кўнглумни менинг кўп зор бўлганлар билур,
Дард кўрганлар билур, бемор бўлганлар билур,
Тиги гам бирла дили афгор бўлганлар билур,
Чун азиз боши жаҳонда хор бўлганлар билар,
Бекадр, берахнамо бўлган гарибмен, найлайин.

Мисли какнусдек бу оташ ошиёним куйдуурур,
Оху ноламни ўти бешак забоним куйдуурур,

Хам ёкиб жиссим, юроким, устухоним куйдирур,
Балки жоним кул килиб, рухи равоним куйдурур,
Бас куюб хам кам бахо бўлган гарибмен, найлайин.

Хеч мусулмон мен каби кўнгли паришон бўлмагай
Етмайин максудига багри тўла кон бўлмагай,
Эл аро ифшо бўлуб хайрону нолон бўлмагай,
Телбалардек кеча-кундуз дийдагирён бўлмагай,
Акли хушидин жудо бўлган гарибмен, найлайин.

Сирри пинхоним десам бир ёри жоним йўқ менинг,
Дегали, холинг нечукдур, меҳрибоним йўқ менинг,
Найлайин девонадек далли маконим йўқ менинг,
Чун куши беболу пармен, ошиёним йўқ менинг,
Нотавон каддим дуту бўлган гарибмен, найлайин...

* * *

Сана эрди минг уч юз бир кам ўттуз, бўлди уй бесар,
Яди зайдин ахчадин ўн бизлара мотам бўлиб роҳбар,
Жаҳондин ўтди модар, бўлди сўнг ичган-еганим заҳр,
Хама кон йиглашиб колдук юраклар пора, кўзлар тар,
Экан пушту панохим, обрўйим, дўстим, модар
Хаётин катта давлат билмак эркан хар кима бехтар.

Халойик юрт-баорт ўйнаб-кулуб килди ийду байрам,
Ажаб, бехад шукур, хак бизлара кўрди рано мотам,
Дебон катта-кичик вой устига вой, ох уруб хар дам,
Инончим хам суюнчим килди рехлат, бўлди каддим хам,
Экан пушту панохим, обрўйим, дўстим, модар.
Хаётин катта давлат билмак эркан хар кима бехтар.

Хаётида уйимиз гўиё бозор эди тун-кун,
Эру хотин хама бир-бирга беозор эди тун-кун,
Боримизга бўлуб шод меҳрибон хушёр эди тун-кун,
Хусусан мен гарибидинки миннатдор эди тун-кун,
Экан пушту панохим, обрўйим, дўстим, модар.
Хаётин катта давлат билмак эркан хар кима бехтар.

Мудомо хуш сўзи ила барчамиз шодоб этар эрди,
Бериб панду насихат чун зари ноёб этар эрди,
Каюмиз кўрса, сиз биз деб басе одоб этар эрди,
Боримизга кеча посбон ўлуб, кам хоб этар эрди,
Экан пушту панохим, обрўйим, дўстим, модар
Хаётин катта давлат билмак эркан хар кима бехтар.

Етишса дахри дундин гам, дилим айлар эди хуррам,
Туфайлидин кишу ёз, кеча кундуз шод эдим бегам,
Нетай онсиз коронгу күринур чун кўзима олам,
Чошиб аклу хушим девона янглиг бўлмишам кам-кам,
Экан пушту панохим, обрўйим, дўстим, модар
Хаётин катта давлат билмак эркан хар кима бехтар.

Эди шодимга шод, гах етса гам мендин батар гамгин,
Бериб ширин забонлиг бирла дил-кўнглум килиб таскин,
Дер эрдим сирри пинхоним кимим бор эмди бир ичкин,
Колиб мен бош очик гам-гуссада бўлдим ажаб мискин,
Экан пушту панохим, обрўйим, дўстим, модар
Хаётин катта давлат билмак эркан хар кима бехтар.